



# ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

2009 йил, 27 январь, СЕШАНБА

Газета 1966 йил  
1 июлдан  
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСІЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 18 (11.329)

Баҳоси эркин нарҳда

## ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

Янгиликлар, воқеалар

### Кечка сатрларда

● **РЕСПУБЛИКА** Маънавият тарғибот маркази ташаббуси билан Маънавият тарғибот маркази Тошкент шаҳар бўлими ҳамкорлигида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар вакиллари иштирокида ўтказилган маънавий-маърифий тадбир «Инсон ҳуқуқи — олий қадрият» деб номланди.

● **ЖАҲОН** иқтисодий ва дипломатия институтлари талабалар, ўқитувчилар иштирокида ўтказилган тадбирда Россия ва Ўзбекистон олий таълим муассасалари ўртасидаги ҳамкорликни янада ривожлантиришнинг аҳамияти ҳақида сўз борди.

● **ШАҲРИМИЗДА** ахборот-коммуникацион технологиялардан фойдаланишнинг самарали усуллари ҳақида бағишлаб банк-молия ва алоқа соҳалари мутахассислари иштирокида семинар-тренинг уюштирилди.

● **«ЕШЛИК»** талабалар шаҳарчаси «Маънавият ва маърифат» марказида «Камолот» ЁИХ Тошкент шаҳар бўлими Кенгаши ташаббуси билан Сардорлар кенгаши аъзолари иштирокида «Оқсак маънавият — енгилмас куч» мавзусида семинар-тренинг ташкил этилди.

● **КЕЧА** «Бунёдкор» ёшлар телеклубида Ўзбекистон электрон оммавий ахборот воситалари Миллий ассоциацияси ташаббуси билан ўтказилган семинар-тренинг ёш журналистларнинг касб маҳоратини ошириш масаласига бағишланди.

● **МУҚИМий** номидаги Ўзбек Давлат мусикали драма театрида муҳлислар эътиборига «Бизнинг ҳовлимизда» деб номланган спектакль намойиш этилди.

● **КЕЧА** Ўзбекистон Футбол федерациясида Катарда ёшлар ўртасидаги Дўстлик кубогида Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси иштирокига бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.

● **БУГҮН** Ҳамза туманидаги 161-мактабда 4-5-синфлар ўқувчилари ўртасида у-шу спорти бўйича ўтказилган мусобақалар Ҳамза туман маданият ва спорт ишлари бўлими ҳамкорлигида уюштирилди.

(Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан).

**ИЛГАРИ ХАБАР БЕРИЛГАНДЕК, ТОШКЕНТ ШАҲРИНИНГ 2200 ЙИЛЛИГ ҲАМДА НАВРЎЗ УМУМХАЛҚ БАЙРАМИГА БАҒИШЛАБ ЭСТРАДА ХОНАНДАЛАРИНИНГ «ҚАЛБИМДА — ВАТАН МАДҲИ» КЎРИК-ТАНЛОВИНИНГ ВИЛОЯТ ВА ШАҲАР БОСҚИЧЛАРИ ЎЗГАЧА ШУКУХДА ЎТКАЗИЛДИ.**



### Танловлар

## ГОЛИБЛАР МУНОСИБ ТАҚДИРЛАНДИ

эстрада бирлашмаси директори Азамат Ҳайдаров кириш сўзи билан очиб, санъат билан маданиятни қўриқ-танлов Низомиди кўзда тутилган мақсадларга мослиги, овоз ва созларнинг уйғунлиги, ижро этилаётган асарга танланган саҳна либослари ҳамда саҳна маданияти ҳакамлар ҳайъати томонидан муносиб баҳоладди. Уйлаймизки, санъатга меҳр ва ихлос қўйган ёш истеъодлар келгусида яна ҳам янги, мазмунли қўшиқлар яратиб, ўзбек миллий эстрада санъатини дунё саҳналарига олиб чиқишда муносиб ҳиссаларини қўшадилар албатта.

Танлов катнашчилари она Ватан, пойтахтимиз Тошкент ҳамда Наврўзни мадҳ этувчи қўшиқларни дилдан жўшиб куйладилар ва танлов якунида муносиб ўринларга сазовор бўлдилар. Жумладан, Р.Тўхтаев (Самарқанд вилояти), Э.Исмоилов (Бухоро вилояти), А.Исроилов (Жиззах вилояти) иккинчи ўринга лойиқ деб топилдилар. Учинчи ўринга эса Тошкент шаҳридан Н.Яндашова, Ш.Отабоева, З.Орипова, М.Душановалар сазовор бўлишди. Кўрик-танлов галиблари «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмасининг дипломлари, Фахрий ёриқлари ҳамда совринлари, тегишли ташкилот ва ҳомийларнинг эсдалик совгалари билан тақдирландилар.

этишдан иборат.

Дилором ИКРОМОВА СУРАТЛАРДА: танловдан лавҳалар. Алексей Попов олган суратлар



2008 йилнинг декабрь ойидан ўз ишини бошлаган мазкур танловда икки мингдан зиёд ёш истеъодлар қамраб олинди. Танловда 16 ёшдан 40 ёшгача бўлган профессионал санъаткорлар, ҳаваскор эстрада хонандалари, алоҳида жамоалар, олий ва ўрта махсус санъат ўқув юр்தларининг талабалари ва жамоалари, эстрада соҳасида ижод қилаётган бастакор ва шоирлар иштирок этишди.

Кунги кеча «Туркистон» саройида эстрада хонандаларининг «Қалбимда — Ватан мадҳи» кўрик-танловининг республика бо-сқичи бўлиб ўтди. Танловни «Ўзбекнаво»

### Олий Мажлис Сенатида

## ЮРИСТЛАР МАЛАКАСИНИ ОШИРИШГА БАҒИШЛАНДИ

**ДАВЛАТИМИЗ РАҲБАРИ ИСЛОМ ҚАРИМОВ РАҲНАМОЛИГИДА СУД-ҲУҚУҚ ТИЗИМИНИ ДЕМОКРАТЛАШТИРИШ, ЖИНОЯТ, ЖИНОЯТ-ПРОЦЕССУАЛ ҚОНУНЧИЛИКНИ ЛИБЕРАЛЛАШТИРИШ, ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ ВА ЭРКИНЛИКЛАРИ ТЎЛА ҲИМОЯ ҚИЛИНИШИНИ ТАЪМИНЛОВЧИ МУСТАҚИЛ СУД ҲОКИМАТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ БОРАСИДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН КЕНГ КЎЛАМЛИ ИСЛОХОТЛАР ЎЗ САМАРАЛАРИНИ БЕРМОҚДА.**

Жиноий жазо тизими ва суд ишларини юрйтиш босқичма-босқич либераллаштирилиб, шахсни жамиятдан ажратиб қўйиш билан боғлиқ бўлмаган жазо турларини тайинлаш имкониятлари кенгайтирилди. Умумий юрисдикция судларининг иктисослаштирилиши одил судлов сифатини ошириш имконини берди. Ишларни кўриб чиқишнинг апелляция (шикоят) тартиби жорий этилиши суд процесси иштирокчиларининг ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоя қилинишида қўшимча кафолат бўлди.

Суд-ҳуқуқ ислохотлари соҳасида қабул қилинаётган янги қонунларнинг мазмун-моҳиятини тўғри англашда соҳа ходимларининг касб малакасини ошириш муҳим ўрин тутди.

Судьялик лавозимига тайинлаш учун заҳирага олинган номзодларни қайта тайёрлаш вазифаси Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қошидаги Юристар малакасини ошириш марказига юклатилган. Мар-

каздаги ўқув дастурлари машғулотлар давомида тингловчиларда назарий билим ва амалий кўникмаларни ҳосил қилишга қаратилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ва Олий суд ҳузуридаги Суд қонунчилигини демократлаштириш ва либераллаштириш ҳамда суд тизими мустақиллигини таъминлаш бўйича тадқиқот маркази ҳамкорлигида суд-ҳуқуқ ислохотларини ҳаётга татбиқ қилишда юристар малакасини оширишнинг аҳамиятига бағишлаб ташкил этилган дав-ра суҳбатиди шу ҳақда гап борди.

Тадбирда суд ҳокимияти мустақиллигини мустаҳкамлаш ва суд-ҳуқуқ тизимидаги ислохотлар самарадорлигини ошириш борасидаги муҳим вазифаларининг ижросини таъминлашга бағишланган маърузалар тинг-ланди ва муҳокама қилинди.

(ЎЗА)

## ФОТО КЎРГАЗМАДА ҲАРБИЙЛАР САЛОҲИЯТИ

**Марказий офицерлар уйида Мудофаа вазирлигининг нашри «Ватанпарвар» газетаси фото мухбирларининг «Ватан ҳимояси муқаддас бурч» деб номланган фото кўргазмаси ташкил этилди.**

Кўргазмада армиямиз аскар ва офицерларининг кундалик фаолияти, ҳарбий машқлар жа-раёни ва уларнинг орзу-ўйлари акс этган фото суратлар намойи-ш этилаётди.

Айтиш жоизки, «Ватанпарвар» газетасида фото мухбир бўлиб фаолият юритаётган С.Тўраев ва Б.Абдурахимовлар бир неча йилдирки, мамлакатимиз Қуролли Кучлари тизимида олиб борилаётган ислохотлар, ҳарбий хизматчиларнинг дала ўқув ва спорт машғулотлари,

Миллий армиямиз қудратини шунингдек, жонажон диёримиз-нинг чирой ва бойликларини акс эттирадиган суратлари билан газетанинг ранг-баранг бўли-шига муносиб ҳисса қўшиб кел-моқда. Фото мухбирларининг ижодий изланишларини кузат-ган киши ҳарбийлик шарафли ва масъулиятли касб эканлиги, бундан ташқари, юртимизда улар учун барча шарт-шароит-лар яратилганлигига яна бир қарра амин бўлади.

Тадбирда таъкидланишича,

мазкур кўргазма ҳарбий билим юрти курсантлари, ҳарбий хизматчи-лар ва ёшлар қал-бида ватанга му-ҳаббат туйғусини янада оширишга хизмат қилади. Кўргазмада фото мухбирлар иштирокчиларга ўзларининг ижодий ишлари ҳу-сусида атрофдаги маълумот бе-риб, ҳар бир суратнинг ярати-лиш тарихи, у билан боғлиқ во-



қеаларни ҳикоя қилиши. Эслабб ўтамиз, фото кўргаз-ма жорий йилнинг 20 феввали-га қадар давом этади.

«Туркистон-пресс»

## XXI АСР САДОСИ

БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГИ ХАБАРЛАР

### МАМЛАКАТИМИЗДА

● Урганч шаҳрида Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси ҳамда Хоразм вилояти ҳокими ўринбосарлари, маънавий-маърифий ишлар бўйича ёрдамчилари, туман ва шаҳарлар ҳокимлари иштирокида минтақавий ўқув-семинар давом этмоқда. Машғулотлар давра суҳбати ва очик мулоқот тар-зида олиб борилмоқда.

● Қашқадарё вилояти соғлиқни сақлаш бо-шқармаси, Саломатлик ва тиббий статистика институтининг вилоят филиали, вилоят онко-логия диспансери ҳамкорлигида «Усма касал-ликлари профилактикаси: муаммо ва ечим-лар» мавзусида семинар ташкил этилди.

● Марғилон шаҳридаги «Гўраввал» маҳал-ла фуқаролар йиғинида ёшлар учун янги за-монавий ўқув маркази ишга туширилди. Япо-нианиннг юртимиздаги элчихонаси билан ҳам-корликда ташкил этилган «Зиё-зиёд» номили мазкур ўқув маркази кунчиқар мамлакатнинг кичик ижтимоий лойиҳаларга беғараз қўмақ дастурига мувофиқ фаолият бошлади. Бу ерда ёшлар пазандалик, тикиш-бичиш, ҳам-ширалик, компьютер саводхонлиги, сартарош-лик бўйича малакали мутахассислар қўлида хунар сирларини ўрганишлари мумкин.

● Самарқанддаги корхоналар сони яна биттага кўпайди. «Самарқанд-ЛТД» масъули-яти чекланган жамияти қошида 20-50 кило-грамм сизимдаги полиэтилен қоплар ишлаб чиқарувчи корхона фаолият юрита бошлади. Бу 40 нафар ёшнинг иш билан таъминлани-шига имкон яратди. Замонавий асбоб-уску-налар ўрнатилган янги корхонада кунига 10 минг донадан зиёд полиэтилен қоплар тайёр-ланмоқда.

● Фарғона шаҳрида «Миллий либослар — замон билан ҳамнафас» номи кўргазма ўт-казилди. Фарғона шаҳар ҳокимлиги ва Хотин-қизлар қўмитаси ҳамкорлигида ташкил этил-ган ушбу тадбирда маҳалла фуқаролар йи-ғинлари, ўқув юр்தлари, ташкилот ва муасс-саларда меҳнат қилаётган хотин-қизлар ўзла-ри тиккан миллий либослар билан иштирок этишди.

● Музработ туманидаги «Кўнгирот» фер-мер хўжаликлари уюшмаси ҳудудида қайта реконструкциядан сўнг замонавий кўрниси касб этган, сўнги румуддаги тиббий ускуна-лар билан жиҳозланган кишлоқ врачлик пун-кти фойдаланишга топширилди. «Саломатлик» лойиҳаси доирасида бу ерга қонни таҳлил қиладиган лаборатория ва замонавий жаррох-лик ускуналари, бошқа тиббий жиҳозлар ўрнатилди.

● «Билайн» савдо белгиси остида хизмат кўрсатувчи «Юнител» компанияси Тошкен-даги 24-Меҳрибонлик уйида «Хайрли ишлар-2009» лойиҳаси доирасида тадбир ўтказди. Акция доирасида ушбу масканда тарбияла-наётган 3 ёшдан 11 ёшгача бўлган болалар-га компаниянинг турли-туман ширинлик ва кийим-кечаклардан иборат совгалари топши-рилди.

### ЖАҲОНДА

● Боливия аҳолиси мамлакат Президенти Эво Моралес тақлиф этган Конституцияни қўллаб-қувватлади. Референдумда иштирок этганларнинг 56,8 фоизи уни ёқлаб овоз бер-ди. Янги Конституция Эво Моралесга 2014 йилгача президент лавозимида қолиши учун имкон беради. Конституцияда, шунингдек, янги Конгресс қаҳириси, Боливиянинг туб аҳолиси бўлган ҳиндуларга ундан ўрин бе-риш масаласи ҳам ҳал этилди.

● Мамлакатдаги оғир иқтисодий аҳвол ту-файли Исландия ҳукумати тўлалигича истеъ-фога чиқди. Ҳукуматга қайта сайловлар жо-рий йилнинг 9 май кунини ўтказилади.

● Кеча Т.Гайтнер АКШ молия вазирини си-фатида қасамдод қилди.

● 2010 йилдан бошлаб Болгария Озарбой-жон газини импорт қилишни бошлади.

● Абхазия ва Грузия ўртасидаги можаро-лардан сўнг Россия ҳамда НАТО ўртасида илк бор норасмий тарзда музокаралар ўтказил-ди. Расмий музокаралар эса февраль ойида уюштирилади.

● Аргентина Президенти К.Фернандес мамлакатдаги қаттиқ қуроқчилик туфайли энг серҳосил жойларда фаолият кўрсатаётган фермерларнинг бир йилга солиқлардан озод қилинишини билдирди.

● Британиянинг The Guardian газетаси жа-ҳон молиявий инқирозда айбдор бўлган сиё-сатдонлар, иқтисодчилар ва молиячиларнинг исми-шарифларини эълон қилди. Рўйхатда би-ринчи бўлиб АКШ федерал заҳира тизими-нинг собиқ раҳбари ва жаҳондаги энг таниқ-ли иқтисодчилардан бири Алан Гринспен тилга олинган. Ушбу нашрда таъкидланишича, та-наззулнинг ривожиди шунингдек, АКШнинг собиқ президентлари Билл Клинтон ва Жорж Бушларнинг ҳам айблари бор.

● Америка миллий киноакадемиясининг аънавий «Оскар» киномуқофотида давгогар-ларнинг рўйхати эълон қилинди. Муқофот со-ҳибларининг номи эса жорий йилнинг 22 фев-раль кунини Лас-Вегас шаҳридаги «Кодак» ки-нотеатрида бўлиб ўтадиган тантанали маро-симда маълум қилинади.

● Европа Иттифоқи ташқи ишлар вази-рларининг учрашувида Зимбабве Президенти Роберто Мугабе режимига қишин бўлган ва ЕИга аъзо мамлакатларга кириши тақиқлан-ган шахслар рўйхатини яна 60 кишига ке-нгайтириш тўғрисида қарор қилинди. Активла-ри Европа Иттифоқи ҳудудларида музлатила-диган компанияларнинг сони эса 40 тагача кўпайди.

# ИШГА АМАРҲАМАТ!

## Бандлик

### АНИҚ РЕЖА АСОСИДА



— Бугунги кунда туманимизда 301,0 минг аҳоли истиқомат қилади. Шулардан 2530 нафари иш билан доимий банд бўлмаган фуқаролардан иборат. Жорий йилнинг январь ҳолатига кўра туманимизда 3176 та корхоналар фаолият кўрсатмоқда, бўш иш ўринлари ҳақида 110 та корхона ҳисобот бергани ҳолда аҳолига 470 та бўш иш ўринлари (390 та ишчи ўринлари ҳамда 80 та вақант лавозимлари) тавсия этилди.

Шу ўринда марказимизда ўз фаолиятини ўзбекистон Республикасининг «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги Қонун, Меҳнат кодекси, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазирлиги ва Адлия вазирлигида тасдиқланган «Меҳнат органларида фуқароларни рўйхатга олиш, уларни ишга жойлаштириш, ишсизлик нафақасини тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида»ги, Вазирлар Маҳкамасининг қарорига асосан «Аҳолини иш билан таъминлаш дастури» ҳамда бош бошқарма тўмонидан берилган йўналиш бўйича ташкиллаштирилган.

Мурожаат этган банд бўлмаган фуқароларни туманимиз, шахримизда фаолият

юритаётган йирик, кичик, хусусий ишлаб чиқариш корхоналари, турли ташкилот, муассаса, бошқармаларга ишга жойлаштириш асосий вазифамиз сирасига киради. Жумладан, бошқарма тасарруфидаги Ишсизларни касбга тайёрлаш, қайта ўқитиш ва малакасини ошириш марказига ўқишга юбориш ишлари ҳам катъий режа асосида амалга оширилди.

Бу борада туманимиздаги маҳаллалар хусусида тўхталиш жоиз, албатта. Боиси, уларнинг (маҳалла оқсоқоллари, маслаҳатчилар, фаоллари) кўмаги, мададига таяниб, доимий ҳамкорлик асосида меҳнат қиламиз. Аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатлами — кўп болалик, кам таъминланган, ногиронларга, ногирон фарзанди борларга моддий ёрдам бериш келинмоқда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Кам таъминланган оилаларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қарорининг ижросини таъминлаш юзасидан ҳам ўз ваколатлари миз доирасида тегишли ишларни бажаримиз.

Ўтган йили марказимизга 5289 нафар фуқаро иш сўраб мурожаат этган бўлса, 4839 нафар банд бўлмаган фуқаро иш жойларига эга бўлди, 426 нафар фуқаро ҳақ тўланадиган жамоат ишларига жалб этилди. Жумладан, 766 нафар турли ёшдаги фуқаро ўқув марказига касбга тайёрлаш, қайта ўқитиш ва малакасини ошириш учун йўланма билан ўқишга юборилди.

Кейинги йилларда давлатимиз томонидан

**БОЗОР МУНОСАБАТЛАРИНИНГ ВУЖУДГА КЕЛИШИ ТУФАЙЛИ**  
**ФУҚАРОЛАРИНИНГ МЕҲНАТ ҲУҚУҚЛАРИНИ АМАЛДА ТАЪМИНЛАШ ҲАМДА**  
**ЕТАРЛИЧА ҲИМОЯ ҚИЛИШГА БОҒЛИҚ МАСАЛАЛАР ҲАМ ЮЗАГА КЕЛДИ.**  
**МЕҲНАТ МУНОСАБАТЛАРИНИ ЙЎЛГА ҚўЙИШДА МЕҲНАТ ШАРТНОМАЛАРИНИ**  
**ТУЗИШ МУҲИМ ОМИЛ ҲИСОБЛАНАДИ. БУГУНГИ КУННИНГ ДОЛЗАРБ**  
**МАСАЛАСИ БЎЛГАН АҲОЛИНИ ИШ БИЛАН ТАЪМИНЛАШ ТОШКЕНТ ШАҲАР**  
**ҲОКИМЛИГИНИНГ МЕҲНАТ, АҲОЛИНИ ИШ БИЛАН ТАЪМИНЛАШ ВА**  
**ИЖТИМОЙ МУҲОФАЗАЛАШ БОШ БОШҚАРМАСИГА ҚАРАШЛИ БАРЧА ТУМАН**  
**БАНДЛИККА КўМАКЛАШУВЧИ МАРКАЗЛАРИНИНГ ФАОЛИЯТЛАРИНИ ТАШКИЛ**  
**ҚИЛАДИ. СУҲБАТДОШИМИЗ СОБИР РАҲИМОВ ТУМАНИ БАНДЛИККА**  
**КўМАКЛАШУВЧИ МАРКАЗ РАҲБАРИ АБРОРҲУҲА АҲМЕДОВ ЖАМОАНИНГ**  
**АМАЛГА ОШИРГАН ИШЛАРИ, КЕЛГУСИГА БЕЛГИЛАНГАН РЕЖАЛАР ХУСУСИДА**  
**ҚўЙИДАГИЛАРНИ ГАПИРИБ БЕРДИ:**

тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантиришга қаратилган эътибор туфайли 2008 йилда туманда 6934 та янги иш жойлари яратилди. Янги объектларни ишга тушириш ҳисобиغا 110 та, мавжуд ишлаб чиқариш корхоналарини қайта қуриш ва кенгайтириш ҳисобиغا 124 та, кичик корхоналар ва микрофирмалар ташкил этиш ҳисобиغا 3494 та, юридик шахс мақомига эга бўлмаган тадбиркорликни ривожлантириш эвазига 1791 та, шунингдек, уй меҳнатини ташкил этишдан 160 та, ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш ҳисобиغا 109 та иш жойлари яратилди. Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 5 январдаги «Йирик саноат корхоналари билан касаначиликни ривожлантириш асосида ишлаб чиқариш ва хизматлар ўрнатишда кооперацияни кенгайтиришнинг рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони асосан ўтган йил давомида меҳнат шартномаси асосида 155 та корхонада 1075 та иш ўринлари яратилди, (шундан 11 та йирик саноат корхоналарида 158 та, 96 та бошқа турдаги корхоналарида 453 та ҳамда 48 та кичик саноат корхоналарида 464 та иш ўринлари вужудга келтирилди).

ий режа асосида маҳаллаларда маҳаллаларда оқсоқоллари ва котиблар учун кам таъминланган оилаларга, 2 ёшгача, 18 ёшгача болалари бўлган оилаларга нафақа ва моддий ёрдам кўрсатишда мавжуд низом ва қонунийлик тамойиллари, ижтимоий адолат хусусида семинар-йиғинлар ўтказилди.

Ҳеч қандай иш ўз-ўзидан амалга ошмайди, албатта. Бу борада аҳил-иноқ жамоамиз, айниқса, улар орасида иш билан таъминлаш бўлими бош мутахассиси Шўҳрат Бобоқонов, маҳалла инспекторлари Феруза Одилова (бош мутахассис), Дилором Носирова, Нилуфар Жалолова, Машҳура Боқиевалар касб-маҳоратлари, самарали меҳнатлари билан алоҳида тахсинга лойиқ.

Ижтимоий ҳимоя ҳам доимий диққат марказимизда. Ўтган йили 34 та корхонада 1121 та махсус (квоталанган) иш жойлари яратилди:

213 нафар фуқаро ишга жойлаштирилди, (ёшлар, ногирон, ҳарбий хизматни ўтаб қайтганлар, жазо муддатини ўтаганлар, кўп болали аҳоли) кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам (426050 минг сўмлик) кўрсатилди. Жумладан, 2 ёшгача болалари бўлган оилаларга (2657 та) 1071279,2 минг сўм, 18 ёшгача бўлган болаларга 4452 ариза қондирилган) 733862,5 минг сўм нафақа тўланди.

Жорий йилда ҳам белгиланган режа асосида иш юритиб, фаолиятимиз самардорлигини ошириб, аҳолига мадад бўлишни эзгу мақсад қилганимиз.

**Муҳаббат ҲАБИБУЛЛАЕВА**  
**СУРАТЛАРДА: Собир Раҳимов туман бандликка кўмаклашувчи марказ фаолиятдан лавҳалар**  
**Ҳақимжон Солиқов олган суратлар**



Ёшлар — келағимиз

## МАЛАКАЛИ МУТАХАССИСЛАР ТАЙЁРЛАНАДИ

**ЭРТАНГИ КУНИМИЗ ЭГАЛАРИ БЎЛГАН ЁШЛАРИМИЗНИ ЖИСМОНАН ВА МАЪНАН БАРКАМОЛ ҚИЛИБ**  
**ТАРБИЯЛАШ БОРАСИДА ТАЪЛИМ СОҲАСИДАГИ ИСЛОҲОТЛАР ДАВЛАТИМИЗ ТОМОНИДАН ҲАЙТИМИЗНИНГ**  
**БОШҚА СОҲАЛАРИ БИЛАН ЎЗАРО ҲАМКОРЛИК БОСҚИЧЛИК ҲАМДА ТИЗИМЛИ ВА БОСҚИЧМА-БОСҚИЧ**  
**АМАЛГА ОШИРИЛМОҚДА. МУСТАҚИЛЛИК ШАРОФАТИ БИЛАН ЙИЛДАН ЙИЛГА ТАЪЛИМ МАСКАНЛАРИ**  
**ЖАҲОН АНДОЗАЛАРИ ДАРАЖАСИДА ЖИҲОЗЛАНИБ БОРМОҚДА. ТОШКЕНТ АВТОМОБИЛЬ ВА ЙЎЛЛАР**  
**КАСБ-ҲУНАР КОЛЛЕЖИДА БЎЛГАННИМИЗДА ЎҚУВЧИЛАРГА БИЛИМ ОЛИШЛАРИ, ТАНЛАГАН**  
**МУТАХАССИСЛИКЛАРИНИ ЯХШИ ЭГНАЛЛАШЛАРИ УЧУН ЯРАТИЛГАН ШАРТ-ШАРОИТНИ КўРИБ, ҚАЛБИМИЗ**  
**ҒУРУРГА ТўЛДИ, ЭРТАНГИ КУНИМИЗ ЭГАЛАРИГА ДИЛ-ДИЛДАН ҲАВАС ҚИЛДИК.**

— Замон талаблари асосида тўла таъмирдан чиқарилган коллежимизда, — дейди таълим маскани директори техника фанлари номзоди Жасур Қўлмухамедов, — ёшларимизга етарли шароитлар яратилган: қўлай мебель, ўқув-лаборатория ускуналари, компьютер синфлари, ахборот-ресурс маркази, йиғилушлар зали, спорт зал, ошхона, буфет, хайдовчилар тайёрлаш маркази ўқувчилар ихтиёрида. «Таълим тўғрисида»ги қонун, Қадрлар тайёрлаш Миллий дастури ҳақидаги қўшув татбиқ этилаётгани истикболимиз эгалари бўлган ёшларимизга таълим-тарбия бериш, касб-ҳунар ўргатиш, уларни иш билан таъминлаш, соғлигини асраб-авайлаш, маънавиятини ўқсатириш, қобилиятини иқтидорини ривожлантиришда асосий омил бўлмоқда.

Улар орасида икки нафар фан докторлари — профессорлар, 34 нафар фан номзодлари, 30 нафарга яқин олий тоифали ўқитувчилар, 10 нафар «Фахрий автоспортчи», 7 нафар «Урта махсус касб-ҳунар таълими аълочиси» ҳамда 10 нафар «Урта махсус, касб-ҳунар таълими фидойиси» алоҳида даъват қилинган. Шунингдек, Германия ва Японияда коллеж директорининг ўқув ишлари бўйича ўринбосари Собит Миршаҳжоев, Гўзал Файзиева ҳамда каминанинг илмий ишларимиз чоп этилиб, ҳамкасблар орасида эътироф этилди. Бундан ташқари, таълим масканида узоқ йиллардан буён самарали меҳнат қилаётган ёшлар мураббийси Ҳамид Низомов, Қобил Қодиров, Эдем Керимов, Шўҳрат Шойсломов, Абдулла Шоназаров, Салим Раҳимбердиев, Муҳаббат Одилова, Екют Камолова каби заҳматқашларимизнинг беизбир меҳнатлари алоҳида тахсинга лойиқ.

Ўқувчиларнинг мутахассисликка кириш, бўш вақтларини мазмунли, самарали ўтказишлари, соғлом турмуш тарзини танлашлари йўлида 23 та фан тўғарақлари, 8 та спорт тўғарақлари фаолият юритмоқда. Масалан, «Еш математик», «Еш электрик», «Еш эколог», «Еш химёгар», «Автодизайнчи», «Уқун», «Русское слово», «Компьютер олами», «Еш иқтисодчи» ҳамда волейбол, футбол, кўп тўли, енгил атлетика, кураш, баскетбол, стол тенниси бўйича спорт

таъхассисликларига кўра меҳнат қилишмоқда.

Замон талабларидан келиб чиққан ҳолда коллежимизда «Хайдовчилар тайёрлаш маркази» фаолият кўрсатмоқда. Мазкур марказга 8 та юк ўқув автомобили, 12 та енгил автомобиль бириктирилган, махсус жиҳозланган «Автодром»ларда ҳамда Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармасининг йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси томонидан белгилаб берилган йўналишларда ушбу автомобиллар ёрдамида ўқувчиларнинг малакаси оширилди. 2008-2009 ўқув йилида 300 нафар ўқувчилар «ВС» тоифали, 150 нафар ўқувчилар эса «В» тоифали хайдовчилар гувоҳномаларини олиши режалаштирилган. Шунингдек, марказ томонидан аҳолига намунали транспорт хизмати кўрсатиш учун 200 нафардан зиёд «В» тоифадаги хайдовчи тайёрлаш ҳам мақсад қилинган.

Ушбу таълим масканида ўқитувчи ва мураббийлар ўларнинг билим ва тажрибалари, иқтидор ва маҳоратлари, инсонийлик каби фазилатларини кўзларининг нури, қалб шуури ҳамда бутун борликлари билан бирлаштирилган ҳолда ёшларимиз маърифати йўлида беминнат хизмат қилаётганларини кўриб келаёганимиз пойдевори мустаҳкам бўлишига яна бир бамин бўлди.

**Мукаддас УМАРБЕКОВА**  
**СУРАТЛАРДА: Тошкент автомобиль ва йўллар касб-ҳунар коллежи ҳаётидан лавҳалар**

## Сўраш, жавоб берамиз

### ҚОНУНДА КўЗДА ТУТИЛГАНМИ?

**БИР ЙИЛ АВВАЛ ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТИНИ БИТИРГАНМАН, МУТАХАССИСЛИГИМ БЎЙИЧА ЎЗИМ**  
**ХОҲЛАГАН ИШГА ЖОЙЛАША ОЛМАЯПМАН. ТУМАНИМИЗДАГИ БАНДЛИККА КўМАКЛАШУВЧИ**  
**МАРКАЗДА РЎЙХАТДАН ЎТГАНМАН, ҲОЗИРЧА ИШ-**  
**СИЗЛИК НАФАҚАСИНИ ОЛИШИМ МУМКИНМИ?**  
**Анора Саидназарова,**  
**Сергели тумани.**

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 65-моддасига кўра ишсизлик нафақаси ишсиз, деб эътироф этилган шахсга у иш қидираётган фуқаро сифатида маҳаллий меҳнат бўлимида рўйхатдан ўтган кундан эътиборан таъминланади. Ишсиз фуқароларнинг нафақа олиш ҳуқуқи у иш қидираётган шахс сифатида рўйхатдан ўтган пайтдан бошлаб, кеч билан ўн бир кундан эътиборан юқоридаги қонун асосида кучга киради.

Ишсизлик нафақасини кўпи билан ишдан ва иш ҳақидан маҳрум бўлган ёки узоқ вақт (12 ойдан ортиқ) танлафусдан кейин меҳнат фаолиятини қайта бошлашга ҳаракат қилаётган фуқарога 12 ойлик давр мобайнида 26 календарь ҳафта:

Илгари ишламаган ва биринчи марта иш қидираётган фуқарога эса 13 календарь ҳафта мобайнида тўлаш қонунда кўзда тутилган.

### МАЖБУРИЙ ТАРТИБДА АЪЗОЛИКДАН ЧИҚАРИШ МУМКИНМИ?

**БЕШ НАФАР ШЕРИКЛАРИМ БИЛАН МЕБЕЛЬ**  
**ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИ МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН**  
**ЖАМИЯТИ ТАШКИЛ ЭТГАНДИМ. КЕЙИНГИ ПАЙ-**  
**ДА ШЕРИКЛАРИМ ТИЛ БИРИКТИРИБ, МЕНИНГ**  
**ЖАМИЯТДАН ЧИКИБ КЕТИШИМИ ТАЛАБ ҚИЛИ-**  
**ШЯПТИ. ҚОНУН БЎЙИЧА МЕНИНГ РОЗИЛИГИМ-**  
**СИЗ, МАЖБУРИЙ ТАРТИБДА АЪЗОЛИКДАН ЧИ-**  
**ҚАРИШ МУМКИНМИ?**

**Равшан Исоқов,**  
**Мирзо Улугбек тумани.**

Агар иш фаолияти давомида мажбуриятларинингиз кўпубузиб ёки жамият фаолиятига тўсқинлик қилиш каби жиддий ҳатти-ҳаракатлар содир этмаган бўлсангиз, сизни жамият фаолиятдан мажбурий тартибда четлаштиришга ҳақли эмаслар.

Агар мазкур ҳаракатлар содир этилганлиги исботланса, унда жамият аъзоларининг талаби бўйича сизни аъзоликдан суд тартибда четлаштиришлари «Масъулияти чекланган ва қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида»ги қонун талабига мувофиқ амалга оширилади.

### ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАР НИМАЛАРДАН ИБОРАТ?

**ГАРОВ ҲУҚУҚИ ДЕГАНДА НИМА ТУШУНИЛАДИ,**  
**ШУ ҲАҚДА ТўЛИҚРОҚ МАЪЛУМОТ БЕРСАНГИЗ?**  
**Шохруз Алиев,**  
**Юнусобод тумани.**

Гаров ҳуқуқи — бир шахснинг мажбуриятларини таъминлаш учун бошқа шахсга мол-мулкка оид ҳуқуқини беришни тартибга солувчи ҳуқуқий меъёрлар жаммаси ҳисобланади. Ўзбекистонда гаров ҳуқуқи гаров тўғрисида шартнома тузилган пайтдан ёхуд шартнома нотариал тасдиқлангани шарт бўлса — нотариал тасдиқланган пайтдан бошлаб вужудга келади. Гаровга оид ҳуқуқий муносабатлар, гаровга олувчининг ҳамда гаровга қўйувчининг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва ҳоказо саналади.

## Иқтисодиёт

### ИЗЛАНИШЛАР САМАРАСИ

**ХАРИДОР ТАЛАБИ АСОСИДАГИ**  
**РАҚОБАТБАРДОШ ТОВАРЛАРНИ ИШЛАБ**  
**ЧИҚАРИШДА, АЛБАТТА ТАДБИРКОРЛИК**  
**БИЛАН ИШ ЮРИТИШ, БОЗОРНИ ТИНМАЙ**  
**ЎРГАНГАН ҲОЛДА МАҲСУЛОТ**  
**ТУРЛАРИНИ КўПАЙТИРИШ МУҲИМ**  
**АҲАМИЯТ КАСБ ЭТАДИ.**

Бунинг учун эса бугунги кунда, шубҳасиз замонавий дастгоҳлардан самарали фойдаланиш, янги технологияларни ишлаб чиқаришга жорий этиш лозим бўлади. «Табриқлар дунёси» масъулияти чекланган жамиятида ҳам маҳсулот турларини кўпайтириш, буюртмачиларни жалб этишга эътибор қаратилмоқдаки, бу борада тадбиркорларга Япония давлатидан келтириб ўрнатилган «Сапон» рангли рақамли тезкор матбаа дастгоҳи кўл келмоқда. Албатта, маҳсулотлар дизайни устида изланишлар олиб бориш, буюртмачи талаб ва таклифи асосида маҳсулотни тез ва соз тайёрлаб бериш, асосийси, сифатга қаратилган эътибор муваффақиятларга гаров бўлмоқда.

— Корхонамизда тайёрланаётган хилма-хил кўринишдаги таклифнома, табриқнома, хилма хил ортиқча ва бошқа кўплаб матбаа маҳсулотлари сифати билан ажралиб туради, — дейди корхона раҳбари Олег Евман. — Маҳсулотларимизни Европа стандартлари даражасида тайёрлаётганимиз боис ҳам харидорларимиз сафи ортмоқда. Шунингдек, сифатли хом ашёлардан фойдаланиб, уларнинг турларини кўпайтираяпмиз.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, тадбиркор жамоа аҳли ишлаб чиқаришни кенгайтириш, ҳар қандай буюртмаларни бекум кўст бажариш йўлида тинмай изланмоқда. Жорий йилда корхонада ранг-баранг маҳсулотларни тайёрлаш ва буюртмаларни тез ҳамда соз бажаришга эришиш кўзда тутилган.

### БИР-БИРИНИ ТАҚОРЛАМАЙДИ

**УСТА ҲУНАРМАНДЛАРИМИЗ САФИ**  
**ЁШЛАР ҲИСОБИГА КЕНГАЙИБ, УСТОЗЛАР**  
**КўМАГИ АСОСИДА УЛАРИНИНГ**  
**МАҲОРАТИ ЙИЛ САЙИН ОРТИБ**  
**БОРМОҚДА.**

Бу эса миллий ҳунармандчилик ривожиди, маҳсулотлар турларининг ортишида муҳим аҳамият касб этмоқда. Шунинг баробарида ҳунармандчиликнинг кўплаб унутилаётган йўналишлари қайта тикланмоқда, уларда миллий кадрларимиз, шарқона анъаналаримиз аксини топмоқда.

Камолитдин Ҳожибоев ҳам бир неча йиллардан буён заргарлик билан шуғулланиб келади. Шунинг баробарида Учтепа миллий ҳунармандчилик касб-ҳунар коллежида талабаларга дарс беради. Кўплаб шогирдлар тайёрлаб, уларни заргарликнинг нозик сирларидан воқиф этаётган ёш уста аввало эскиз тайёрлашга эътибор қаратади. Бунда, албатта тарихга мурожаат этади, тарихий манбаларни ўрганади.

— Заргарлик буюмларини тайёрлашда оддий металл хом ашёлардан фойдаланаман, — дейди Камолитдин Ҳожибоев. — Аввало айтиб ўтишим лозимки, устозим — уста заргар Кўчкор ака Тўраев менга ушбу ҳунар сирларини ўрганишда катта ёрдам берган. Бугун эса ўзим устоз ўғитларига амал қилган ҳолда ўқувчиларимга ҳунардан сабоқ бераяпман. Айниқса, уларнинг интилувчанлиги, заргарликка қизиқиши, иқтидори мени мамнун этади.

— Камолитдин тайёрлаган турли хил заргарлик буюмларининг нақшлари, жиљоси ўзгача бўлади. Бу, албатта унинг изланишлари самарасидир. У ясаган зебигардон, биллакузук, зирак, узук ва бошқа эсдалик совғаларининг тури бугунги кунда 100 хилдан ҳам ортиб кетган. Энг муҳими эса ушбу заргарлик ашёлари асло бир-бирини тақорламайди, ранг-баранг безелиши билан харидорларни жалб этади. Уста ўзи ясаган маҳсулотларини буюртма асосида меҳмонхона, мадрасалардаги савдо дўконларига етказиб беради. Ҳозирда у янги маҳсулотлар эскизи устида иш олиб бормоқда.

### ҲАМКОРЛИК АСОСИДА

**ИҚТИСОДИЁТИМИЗ РИВОЖИДА,**  
**ИМПОРТ ЎРНИНИ БОСУВЧИ МАҲСУЛОТ**  
**ТУРЛАРИ КўПАЙИШИДА, ХАРИДОРЛАР**  
**ТАЛАБИ ҚОНДИРИЛИШИДА ВА**  
**ҚўШИМЧА ИШЧИ ЎРИНЛАРИ**  
**ЯРАТИЛИШИДА ХОРИЖИЙ ҲАМКОРЛАР**  
**БИЛАН ШЕРИКЛИКДА ТАШКИЛ**  
**ЭТИЛАЁТГАН ҚўШМА КОРХОНАЛАРИНИНГ**  
**МУНОСИБ ҲИССАСИ БОР.**

Ана шундай корхоналардан бири саналган «ROISON-CANDY» қўшма корхонаси ўтган йил охирида иш бошлади. Мазкур қўшма корхона Ўзбекистондаги «Roison Electronics» масъулияти чекланган жамияти ва Италия давлатининг «Candy Group» трансмиллий компанияси ҳамкорлигида ташкил этилди. Албатта, бу италиялик бизнесменларнинг мамлакатимиз ишбилармонлари билан мустаҳкам ҳамкорликка интилаётгани самараси бўлиб, бунда юртимизда хорижий сармоядорларга яратилган қўлай муҳит, яхши шарт-шароитлар муҳим аҳамият касб этади.

Қўшма корхонада замонавий технологиялар асосида ва юксак унумли техникалардан фойдаланган ҳолда малакали мутахассислар томонидан маийий техника буюмлари ишлаб чиқарилаётган. Корхонада ишлаб чиқарилиши йўлга қўйилган турли хил музлаткичлар ва кир ювиш машиналарининг нафақат ички, балки ташқи бозорда ҳам харидорлиги таъминланиши кўзда тутилган. Шу боис ҳам уларнинг халқаро стандартлар даражасида бўлишига эришиш асосий мақсадлар сирасидандир.

Шарофат БАҲРОМОВА



Шахримизнинг раvon ва файзли кўчалари.

Унда Ҳиндистоннинг Ўзбекистондаги Фавкуллода ва мухтор элчиси Саид Манал Шах Алкадри, Лал Баҳодир Шастри...

Ҳиндистон сари йўл олгани ва у ерда улкан давлатни барпо этгани мамлакатларимиз тарихида улкан аҳамиятга эга, — деди элчи Саид Манал Шах Алкадри. — Бобур ва...

тон ҳар томонлама алоқаларни ривожлантиришдан манфаатдор. Президент Ислол Каримов ташаббуси билан бугун икки давлат ўртасида иқтисодий соҳаларда ҳам кенг ҳам...

Ўзбекистонда тadbиркорлик фаолияти учун қулай имкониятлар яратилган. Шу сабабдан корхона фаолиятини янада кенгайтиришни режалаштирганмиз.

моқда. Хусусан, жорий йилда ҳам ўн саккизта ўзбек ёшлари Ҳиндистоннинг Дехли, Бангалор, Хайдаробод, Пуна ва Майсур шаҳарларидаги университетларга уч йилгача тахсил олиш учун жўнатилди. Марказий Осиё давлатлари орасида Ҳиндистон энг кўп грант ўринларини ўзбек ёшларига ажратаётгани ҳам икки давлат ўртасидаги алоқаларнинг юқорилигидан dalolat беради.

### ҲИНДИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КУНИГА БАҒИШЛАНДИ

ҲИНДИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН УШБУ МАМЛАКАТНИНГ ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ЭЛЧИХОНАСИДА БАЙРАМ ТАДБИРИ ЎТКАЗИЛДИ.

Тадбирда элчи Саид Манал Шах Алкадри Ҳиндистондаги ижтимоий-иқтисодий ислохотлар ҳақида гапириб, компьютер технологиялари, сайёҳлик, машинасозлик, текстил, шаҳарсозлик ҳамда таълим йўналишлари йилдан-йилга тараққий этаётганини таъкидлади. У шунингдек, Ўзбекистон ва Ҳиндистон ўртасидаги иқтисодий, сиёсий, маданий ва таълим соҳаларидаги ҳамкорликлар ҳам ривожланаётганини эътироф этди.

унинг авлодлари Ҳиндистонда катта бунёдкорлик ишларини амалга ошириб, бу давлатда маданиятнинг юксалишида тарихий ишларни амалга оширган. Дунё маданияти, илм-фанига улкан ҳисса қўшган алломалари, олимлари, Абу Райхон Беруний, Ат-Термизий, Ал Фарғоний, Абу Али ибн Сино, Имом Бухорий, Имом Термизий каби дунё тан олган олимлари билан буюк тарихга эга Ўзбекистон билан Ҳиндистон...

корликлар қилинмоқда. Кўплаб хинд тadbиркорлари Ўзбекистонда, ўзбекистонлик тadbиркорлар эса Ҳиндистонда фаолият юритмоқда.

Икки давлат ўртасида таълим соҳасида ҳам мустаҳкам ҳамкорлик алоқалари ўрнатилган. Биргина «ИТЕС» грант дастури бўйича ҳар йили ўзбекистонлик бир ўн йигирма нафар турли соҳа вакиллари малака ошириш учун Ҳиндистонга юборилади. Тошкентдаги Лал Баҳодир Шастри номидаги хинд маданият маркази томонидан ҳам кўплаб ёшлар грант дастури асосида мазкур давлатга жўнатил...



Ижтимоий муҳофаза бўш вақтлари кўнгилли ўтмоқда ўтган йили «МИХЕЙ», «БИТЕХНОК», «HAIRS STUDIO» МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТЛАРИ ҲАМДА «ЗИЛОЛА» КОРХОНАСИНИНГ ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШИ ОСТИДА ЯККАСАРОЙ ТУМАНИ ИЖТИМОЙ ТАЪМИНОТ БЎЛИМИ ҚОШИДА ЯККА-ЁЛғИЗ КЕКСАЛАР УЧУН «ДАМ ОЛИШ МАРКАЗИ» ТАШКИЛ ЭТИЛГАН ЭДИ.

Ҳозирда ушбу марказ этилатига кўпгина ташкилотлар кўмак бермоқда. Жумладан, Рус миллий маданият маркази арти...



стлар, мусаввирлар, шоирлар, қўшиқчилар, музикачилар иштирокида маданий учрашувларни ташкил этишга ёрдамлашмоқда. Ҳар ҳафтанинг жума кунлари ёлғиз кексалар марказга келиб бир пиёла чай устида кўнглига яқин инсонлар билан дилдан сўхбат қуриши, қўшиқ куйлаб, рақсга тушгани ҳолда кўнглидаги барча гўбурларини чиқариб юбориши, юрист маслаҳатларини олиши мумкин. Сартарош ва поймазалларни тикловчи уста эса уларга бепул хизмат кўрсатади. Шоир ва рассом Армануш Марқарян, Рус миллий маданият маркази артистлари Ольга ва Вадим Хоничевлар марказга тез-тез келиб, кексаларнинг кўнглиларини хушлашмоқда.

(Ўз мухбиримиз) СУРАТЛАРДА: марказ фаолиятдан лавҳалар Алексей Попов олган суратлар

### МАМЛАКАТИМИЗДА ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИ БЎЛМИШ ЙИГИТЛАРНИ ЖИСМОНАН СОҒЛОМ, МАЪНАН ЕТУК ВА ЖАСУР ҚИЛИБ КАМОЛ ТОПТИРИШГА АЛОҲИДА ЭЪТИБОР ҚАРАТИЛМОҚДА.

### Танловлар ИБРАТЛИ ЙИГИТЛАР БЕЛАШУВИ

«Ёшлар йили» Давлат дастури асосида «Экосан» халқаро ташкилоти ташаббуси билан Олий ва ўрта махсус таълим, Мудофаа, Ички ишлар, Фавкуллода вазиятлар, Соғлиқни сақлаш, Маданият ва спорт ишлари вазирликлари, Республика Хотин-қизлар кўмитаси, «Камолот» ЕИХ, Республика «Сила» илмий-амалий, Маънавият тарғибот марказлари ва бошқа бир қатор ташкилотлар ҳамкорлигида «Бир йигитга қирқ хунар оз» шиори остида республика кўрик-танлови низоҳасига етмоқда. Танловнинг навбатдаги ташкилий йиғилишида танловнинг республика якуний босқичида иштирок этувчилар маълум бўлди. Кўрик-танловнинг якуний босқичида қатнашиб, биринчи, иккинчи ва учинчи ўрин соҳиби бўлган йигитларга «Экосан» халқаро ташкилотнинг Дипломи ва соврини топширилади. Шунингдек, барча танлов иштирокчилари ташкилотчилар ва ҳомийларнинг Фахрий ёрлиқлари ва эсдалик совғалари билан тақдирланадилар.

Мазкур танловни ўтказишдан мақсад, мамлакатимиз йигитларини, айниқса ўспирин ёшдаги йигитларни мард, жасур, ориятли, жисмонан соғлом, Ватани ва халқи учун фидойий, мустаҳкам иродали, ҳар томонлама етуқ, заковатли, алп қомат қилиб камол топтиришдан иборат. Зеро, она Ватанимиз ҳимоячилари бўлмиш ўғлонларимизни албатта Ватанига садоқатли, хушхўл, меҳнатсевар, билимли, қомил инсон қилиб тарбиялаш ҳар биримизнинг бурчимиздир.

(Ўз мухбиримиз)

### МИНГ ДАРДГА ДАВО

Бир танишим бор, сал тоби қочдим, табибга югуради. «Нега шифокорларга учрашмайсан?» десам, «Улар касалигини аниқлагунча минг чигирикдан ўтказишдида, кейин қўлингга уч-тўрт хил қимматбах оворларнинг рўйхатини ёзиб беришди. Кейин биринчи ичишни билмайсан. Табиб эса биргина томирининг уришини кўриб, дардингни тушунад» деб жавоб беради.

Тунув кўни уни кўргани бориб, оёқ оғригидан шикоят қилиб қолдим. — Менга қара, зўр табиб бор, шунга олиб бораман. Олдига икки-уч кун катнасанг, бутунлай шифо топиб кетасан, — деб қолди у. Қани бунисини ҳам бир кўрайчи, деб унинг таклифига розилик қилдим. Эртасига йўлга чиқдик. Йўл юрсак ҳам мўл юриб, табибнинг уйини топиб бордик. Ҳақиқатан ҳам номдор экан шеклилли, эшик тағида навбат қутиб ўн чоғли одам турарди. Тунга яқин навбатимиз келди. Унинг хузурига киришдан олдин, танишим:

### КЎШГАНИ БИЛАН ҚЎША ҚАРИСИН

Еши ўтган кексалар дуога қўл оғанларига кўпинча «Топганинг тўйга буюрсин» дея хонадон соҳибига яхши тилак билдиришади. Шунанга яхши ният амалга ошиб, икки оила бир-бирларига қўша бўлишга аҳд қилишди. Ўзбекона русумларга биноан, дастлаб ёшлар бир-бири билан танишим, касалхонада ётиб соғайиб чиқди.

«Энди қалайсан?», десам, у тан берди: «Барибир қайта-қайта чигирикдан ўтказса ҳам шифокор яхши экан. Минг қилса ҳам ўқиб, тажриба орттирганда», деб қолди.

Балки табиат юқтирган иқтидорли табиблар, беморлар дардига даво бўлишга қодир ноёб табиатли инсонлар қаерда бўлса бордир. Лекин мен табибам деб ўтирган дуоғуларнинг барчасига ишониб бўлмаслигини дўстим ана шунда тушуниди.

Донишмандлар шифокорларни беркорга ҳам «соғлиқнинг посбони» деб айтишмайди.

билан танишим, касалхонада ётиб соғайиб чиқди. «Энди қалайсан?», десам, у тан берди: «Барибир қайта-қайта чигирикдан ўтказса ҳам шифокор яхши экан. Минг қилса ҳам ўқиб, тажриба орттирганда», деб қолди. Балки табиат юқтирган иқтидорли табиблар, беморлар дардига даво бўлишга қодир ноёб табиатли инсонлар қаерда бўлса бордир. Лекин мен табибам деб ўтирган дуоғуларнинг барчасига ишониб бўлмаслигини дўстим ана шунда тушуниди. Донишмандлар шифокорларни беркорга ҳам «соғлиқнинг посбони» деб айтишмайди.

### ГАП ЭГАСИНИ ТОПСИН

### ЗИЙРАК БОБО ШАҲАР КЕЗАДИ

«Касалигини айтмайсан, унинг ўзи томирининг ушлаб дардингни айтиб беради» деб тушунтириш берди. Шундай қилдим. Табиб қўлимни тутди. Кейин қўзимга узоқ тикилди.

«Яхши, — деди кейин, — сизни қон босими қўйнаётган экан, биродар. Оёқ оғриғи, қанд касалим борлигини билардим, лекин қон босимим борлигини билмасдим. Қаричилик, шунақа бўлса бордир, дея табибга келишимнинг сабабини ўзим айтиб қўя қолдим.

«Мен оёқ оғриғига даво истаб келганим олдингизга. Билдим, бир йўла иккаласини даволаймиз. Уч-тўрт марта келсангиз, бутунлай шифо топиб кетасиз. У кетар чоғим қўлимга бир шиша суюқлик тутиб, уч маҳал ичишим, икки кундан кейин яна олдига келишимни тайинлади. Табиб айтган барча муолажаларни ихлос билан бажардим. Керагича олдига қатнадим. Лекин оғимдаги оғрик кучайса кучайдики, қамаймади, охири шифокорларга мурожаат қилдим. Ҳар қалай уларнинг муолажаларидан сўнг хозир яшиман. Яқинда яна ўша танишим билан учрашиб қолдим. Уни бел оғриғи қий-шайтириб қўйибди. «Нима бўлди» десам, касалидан шикоят қилиб қолди. Охирида: — Уч-тўрт табибларга кўрсатдим, натижаси бўлмади. Энди фалон жойда довраги чиққан табиб бор экан. Шунга катнаяман, — деди инқилаб-синқилаб. Йўқ, танишимга у табиб ҳам даво бера олмади. Кўярда-қўймай, шифокор хузурига олиб бордим. Унинг тавсияси...

### Маданиятимиз тарихини ўрганамиз МУСИҚА ИЛМИГА ЭЪТИБОР ҚАРАТИЛДИ

ЎРТА ОСИЁ АМИР ТЕМУР ҲОКИМИЯТИ ОСТИДА БИРЛАШТИРИЛГАНДАН ВА МЎЎҒУЛ ИСТИЛОЧИЛАРИ ЎЛКАДАН ҲАЙДАБ ЧИҚАРИЛГАНДАН СЎНГ, XIV АСР ЎРТАЛАРИДАН ЭЪТИБОРА БУ ЕРДА МАДАНИЯТ ЯНА ЮКСАЛА БОШЛАДИ. ТЕМУР ОЛИМЛАР, САЪЯТКОРЛАР, ИЛМ ФИДОЙИЛАРИНИ ЎЗИГА ЯҚИН ТУТАРДИ.

Буюк Соҳибқирон уламо ва фозилларга тўқис излаб кўрсатиб, уларни ҳар қандай қимсадан батамом мукаддам кўрарди. Улардан ҳар бирини ўз мартабасига қўйиб, ҳаммаларига иқрому ҳурматини ихозр этар, мурувватни бисотини кенг очарди. Темур ҳар қандай хунар ва билим соҳибини, агар унда бирор фазилат ва шарофатни кўрса, унга гоётада меҳр кўяр эди.

Амир Темур ўз «Тузуқлар»ида бундай деб таъкидлайди. «Уламою машойих, оқилу донолар, муҳаддислар, хабарчилар (тарихчилар)ни танланган, эътиборли одамлар ҳисоблаб, иззату ҳурматларини жойига қўйдим. Шижоатли кишиларни дўст тутардим, чунки Тангри тасло жасур кишиларни ардоқлайдилар. Уламо билан сўхбатда бўлдим ва пок ниятли, тоза қалбли кишиларга талпиндим. Буларнинг ҳимматларидан улғуш тиланиб, муборак нафаслари билан дуо-фотиҳа беришларини илтимос қилдим».

Ўрганилаётган даврда Темур Ўрта Осиё маданияти, санъати, фан-маърифатининг ривожланишига ҳомийлик қилди. Унинг бу соҳадаги фойлини кўплаб тарихий асарлар, ёзма ёдгорликларда ўз аксини топган. Чунки, XV аср араб тарихнависи Ибн Арабшоҳнинг «Ажойиб ал-мақдур фи тарихи Таймур» («Темур тарихида тақдир ажойиботлари») номли асарларида юқорида таъкидланган масалаларга алоҳида эътибор берилган.

Амир Темур ўлкадаги қўшиқчилик санъати ривожига ҳам меҳр билан муносабатда бўлди. Унинг ҳаётигида сарой базмлари, халқ маросимлари, тўй-томосшалари қўшиқсиз ўтмас эди. Унинг саройида қўнган-қўн қўшиқчи-хофизлар, рақосалар ва бошқа санъаткорлар тўпланган бўлиб, улар куёқ, иззат-иқром оғушида яшардилар.

Ибн Арабшоҳ юқорида қаламга олинган асарларида қўрилардан Мавлоно Фаҳруддин, қиротли хофизлардан Абдуллатиф ал-Димғоний, Мавлоно Асадулдин, Маҳмуд ал-Мухрик, ал-Хоразмий, Жамолиддин Аҳмад, ал-Хоразмий ва бошқа ижрочиларни зикр қилади. Муаллиф ўша пайтда Самарқанда яшаган машҳур ваъзон Мавлоно Аҳмад ибн Шамс ул-Аиммани қаламга олиб, у арабий, форсий ва туркийда сўз подшоҳи (Малик ул калом) деб аталиб, замонининг бир мўъжизаси бўлганлигини хабар қилади. Шунингдек, асарда ваъзонлардан мавлоно Аҳмад ат-Термизий, мавлоно Мансур ал-Қоғонийларнинг ҳам номлари келтирилади.

«Темур тарихида тақдир ажойиботлари» асарига ўша даврдаги машҳур санъаткорлар, жумладан, беназир мутриб ва музикачи Абдулқодир Мароғий, унинг ўғли Сафуддин, кўеви Насрийн ҳамда Ардашер ал-Чанғийлар зикр қилиниб, уларнинг санъати тавсифланади. Шунингдек, муаллиф Табризда, Темурнинг ўғли хузурида бўлган машҳур музикачи ва мутриб Қўтб ал-Мовсий ҳақида батафсил ҳикоя қилиб, унинг мақомига бағишланган таснифларини, у билан Абдулқодир ал-Мароғий ўртасида бўлиб ўтган бахсларни қайд қилади.

Амир Темур ўзи эгаллаган худудлардан, чунки Хуросон, Эрон ва Суриядан кўплаб қўшиқчиларни давлатнинг пойтахти Самарқанда келтирган. Манбаларнинг гувоҳлик беришича, буюк Соҳибқирон ҳаётигида дабдабали сарой маросимлари, музика ва қўшиқлар журлигида ўтказилган. Уша маросимларда хушовоз хофизлар ва ширинавоз созандалар форс музикаси намуналари, араб ва турк оханлари, мўғул овозлари ҳамда бошқа миллий музика ўлчовлари асосида куй қилиб, қўшиқ айтар эдилар.

Шаҳарлар ўсиши билан шаҳар маданияти пайдо бўла борди. Профессионал музикачилар тез етишиб турган хунармандлар орасида музика кенг ўрин эгаллади. Шарафиддин Али Яздийнинг «Зафарнома»сида ҳикоя қилинишича, хунармандлар санъати хилма-хил бўлиб, ўзида ашула, сўз ва рақси жамлаган. Муаллиф ўз асарига халқ қўшиқлари ва эпик достонлардан иборат хилма-хил қўйлар ҳам бўлганлигини таъкидлайди.

Таниқли олим ва музикачи Абдулқодир аввал Амир Темур, сўнгра унинг ворислари саройларида хизмат қилган бўлиб, сарой музика шакллари баён қилинган музика рисолаларини яратган. Абдулқодир мадҳия тарзидаги («Мизтайин») музика асарини ижод қилган. Унда муаллиф таржей, пешрав ва давримизгача етиб келган бошқа бир қанча музика шакллари эслатиб ўтади.

Ўрганилаётган даврда Ўжа Абдулқодир Мароғийдан ташқари, Дарвеш Аҳмад Қонуний, Султон Мухаммад Удий Самарқандий, Хожайи Самарқандий, Табиб мавлоно Хасан Самарқандий, Ўжа Мухаммад Абдулҳасан Самарқандий, Султон Аҳмадий, мавлоно Ризо Самарқандий, Мавлоно Боки Жарроҳ, Амир Али Акбар Самарқандий, Ҳужайи Жаъфарий Самарқандий Қонуний каби моҳир созанда ва хонандаларнинг ижоди айниқса гуллаб-яшнади, уларнинг довраги кенг тарқалди. Масалан, XV асрда Самарқанда туғилиб ўсган, санъатга қизиқиб, созандаликни, хусусан, қонун созини чалишни мукамал эгаллаган Дарвеш Аҳмад Қонуний ўз маҳорати билан ажралиб турган. Қонун созини жон дили билан севганлиги учун ҳам у ўзига Қонуний тахаллусини танлаган эди. Уша даврнинг машҳур дин пешвоси Хожа Убайдулла Аҳрор бу созанда учун ўз хонақосидан жой ажратиб, унинг музикаларини севиб тинглаган.

Кези келганда шунга ҳам айтиш жоизки, мўътабар зот бўлган Хожа Аҳрор музика ва қўшиқнинг ниҳоятда зўр шайдоси бўлиб, унинг мажлис ва йиғинларида Самарқанднинг энг етуқ хофизлари мунтазам хозир бўлганлар ва Жалолиддин Румий ҳамда Қосим ибн Анвар газалларини куйга солиб, куйлаганлар.

Самарқандлик яна бир санъаткор Мавлоно Боки Жарроҳ ажойиб овоз соҳиби бўлган. Унинг ижоди XVI асрда Шайбонийлар сулоласи ҳукмдорларидан Самарқанд хони Султон Саидхон даврида айниқса гуллаб яшнаган. Мавлоно Боки Жарроҳ машҳур хонанда ва созанда, музика назарийчиси Наҳиддин Кавқабий Бухорийнинг шоғирди бўлиб, бошқа тенгқур қўшиқчи ва хофизлардан овозининг дардли, ширали в таъсирчанлиги билан ажралиб турган. Айни вақтда Султон Саидхон ҳам Боки Жарроҳ санъатига алоҳида меҳр билан қараган ва унга ижоди билан шугулланиши учун имкониятлар яратиб берган. Шейъринг ва санъат шинавандаси бўлган Султон Саидхон баъзан газаллар ҳам ёзиб турган.

XVI асрда яшаб ўтган машҳур созанда ва бастакор Амир Али Акбар Самарқандий бадавлат оилада воғая етган. Унинг отаси сўфийлар шайхи бўлиб, кўпчилигининг ҳурматини қозонган эди. Унинг вафотидан сўнг ўғли Амир Али Акбар унинг ҳавоизимида қолади ва музика билан шугулланишга ҳам вақт топади. У «Илми ахлоқ» ва «Илми одоб» деб номланган рисолалар муаллифи бўлиб, ундан кўпгина нақш ва савтлар мерос қолган.

Ҳожиакбар ҲАМИДОВ, тарих фанлари доктори, профессор

